

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ИЧКИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

С.И.Мухамедова – СамИСИ, ассистент

Аннотация: Мақолада молиявий ҳисоботларни ички аудитини ташкил этиш, уни ўтказиш кетма – кетлиги, аудит жараёнида текшириладиган кўрсаткичлар очиб берилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, ички аудит, баланс, молиявий натижа, хусусий капитал, пул оқимлари.

Аннотация: В статье описаны организация внутреннего аудита бухгалтерской отчетности, последовательность его проведения, показатели, проверяемые в процессе аудита.

Ключевые слова: финансовая отчетность, внутренний аудит, бухгалтерский баланс, финансовый результат, собственный капитал, движение денежных средств.

Abstract: The article describes the organization of the internal audit of financial statements, the sequence of its conduct, the indicators checked during the audit process.

Key words: financial reporting, internal audit, balance sheet, financial result, private capital, cash flows.

Турли фаолият билан шуғулланувчи корхоналар молиявий ҳисоботни тузади ва тақдим этади. Молиявий ҳисобот корхонада юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг якуний жараёни (ҳужжати) ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ҳисоботи мазмуни янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда куйидагича ифодаланган: “Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектларининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятнинг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотлардан иборатдир”.<sup>1</sup> Молиявий ҳисобот корхоналарнинг катта-кичиклигига қараб ҳар чоракда ва йилда ортиб боровчи яқун бўйича тузилади. Чораклик молиявий ҳисоботнинг таркиби бухгалтерия баланси ва “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”дан иборат. Қабул қилинган қонунга асосан йиллик молиявий ҳисоботнинг таркиби куйидагилардан иборат:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;
- пул оқимлари ҳақида ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисида ҳисобот;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 3 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган. -“Халқ сўзи”, 2016 йил 14 апрель.

Молиявий ҳисоботнинг таркибини Ўзбекистон Республикаси Молия ва вазирлиги белгилайди ва уларни тузиш бўйича алоҳида йўриқномаларни ишлаб чиқади. Ҳар бир корхона молиявий ҳисоботларни амалдаги тартиб қоидалар асосида тузиши керак. Чунки, ушбу ҳисобот маълумотларидан ички ва ташқи ахборот фойдаланувчилар фойдаланадилар. Молиявий ҳисобот маълумотлари асоссиз, аниқ бўлмаса, корхонанинг фаолият кўрсаткичлари ҳам тўғри бўлмайди. Натижада, корхона фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган бошқарув қарорлари, мижозлар билан олиб бориладиган ҳисобкитоблар ҳам асосланмаган бўлади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг муҳим объектлари сифатида доимий равишда назорат қилиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунида аудиторлик текширувининг мазмуни айнан молиявий ҳисоботни текширишга қаратилган бўлиб, қуйидагича ифодаланган: “Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилигини ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир”. Шундай қилиб, аудиторлик текширувининг асосини хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботи, у билан боғлиқ молиявий ахборотларни текшириш ташкил қилади.

Корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари ҳам ташқи, ҳам ички аудитнинг муҳим объектларига киради. Ички аудит режасида молиявий ҳисоботни текширишда қуйидаги жараёнлар белгиланган:


- молиявий ҳисобот ва ҳисоб регистрларидаги кўрсаткичларнинг мувофиқлигини текшириш;
- бухгалтерия балансининг тўғрилигини текшириш;
- молиявий ҳисоботнинг асослилиги ва тўғрилигини текшириш;
- дастлабки ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш ва таҳлил қилиш;
- ҳисоботнинг ўз вақтида тегишли органларга тақдим этилишини текшириш;
- ҳисоб регистрлари ва Бош китоб маълумотларининг молиявий ҳисоботга мослигини текшириш.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, аудиторлик ташкилотлари ва корхоналар қошидаги ички аудит бўлимлари молиявий ҳисобот ва унинг тўғри тузилганлиги турлича кетма-кетликда амалга оширмақда. Ички аудит режасида молиявий ҳисоботни текшириш кетма-кетлиги аниқ белгиланмаган. Биз, йиллик молиявий ҳисоботнинг тўғри тузилганлигига ва жорий ҳисоб маълумотларига мослигини қуйидаги кетма-кетликда ички аудит қилинишини тавсия қиламиз (1-чизма):

Бухгалтерия баланси қуйидаги тартибда ички аудит қилинади:

- балансга тайёргарлик ишларининг тўлиқ бажарилишини текширилади;
- балансдаги актив ва пассивтомонидаги корсаткичларнинг тўғрилиги текширилади;

- баланс бўлимларидаги ёзувларнинг тўғрилиги текширилади;
- баланс кўрсаткичлари билан молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари ўзаро таққосланади.



### **1-чизма. Молиявий ҳисоботнинг ички аудит кетма-кетлиги**

Баланс актив томонидаги маълумотлар актив счётлардаги маълумотлар билан солиштирилади. Баланс пассив томонидаги маълумотлар эса пассив счётнинг маълумотлари билан таққосланади.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг тўғрилиги ҳисоботда даромадлар, харажатлар ва фойда кўрсаткичларни текшириш орқали ички аудит қилинади. Бунда даромад ва харажатларнинг тўғрилиги алоҳида счётлар орқали (даромадлар 9000, 9300, 9500 ва 9710 счётлар орқали, харажатлар эса 9100, 9400, 9600 ва 9720 счётлар орқали) текширилади. Корхонанинг соф фойдаси эса 9910 – “Яқуний молиявий натижа” ва 8710 – “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)” счётлари орқали текширилади. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг ички аудити жараёнида молиявий кўрсаткичларни аудиторлик таҳлил қилиш мақсадга мувофиқжир. Натижада молиявий ҳолатни яхшилашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилади.

Пул маблағлари ҳақида ҳисоботнинг ички аудит жараёнида пул маблағларининг тўғри шаклланганлиги ва сарфланганлиги, пул маблағлари ҳаракатининг жорий ҳисоб маълумотлари билан ҳисобот маълумотлари мослиги текширилади. Пул маблағлари тўғрисида ҳисобот қуйидаги йўналишлар бўйича текширилади:

- операцион фаолият бўйича пул маблағларининг йил давомида кўпайиши, камайиши ва қолдиқлари текширилади;
- инвестиция фаолияти бўйича пул тушумлари ва тўловлари текширилади;
- молиявий фаолият бўйича пул тушумлари ва тўловлари текширилади;
- тўланган солиқларнинг ҳисоботда тўғри акс этирилганлиги текширилади;
- агар, корхонада чет эл валютаси бўлса, чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати ва ҳолати махсус счётлар бўйича текширилади.

Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот ички аудитида қуйидаги кўрсаткичлар бўйича текширилади:

- устав капиталнинг қолдиғи;
- кушилган капиталнинг ҳолати;
- резерв капиталнинг қолдиғи;
- тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) нинг тўғрилиги;
- сотиб олинган хусусий акциялар;
- мақсадли тушумлар текширилади.

Ички аудит натижалари умумлаштирилади ва ҳисоботга киритилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Исканов, Х., А. Норқучқоров, and А. Болиев. "Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботлари ички аудити." *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali* 1.13 (2022): 108-120.
2. Авазов И. Р. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни текширишда аудиторлик далиллари тўплаш ва уни такомиллаштириш // *Экономика и финансы (Узбекистан)*. – 2020. – №. 2 (134). – С. 105-111.
3. Сатторов Т. Т. Корхоналар резерв капитали ва ундаги ўзгаришларни аудити // *Journal of marketing, business and management*. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 53-58.
4. Хусанов, М. Ҳ. (2022). Ҳисобот санасидан кейин юз берган ҳодисаларнинг аудитни такомиллаштириш. *Экономика и социум*, (6-2 (97)), 770-774.
5. Широнов, У. А. (2022). Алоқа хизматларини кўрсатувчи субъектларда аудитнинг долзарб масалалари. *Архив научных исследований*, 2(1).
6. Тўраев А. Н. Ички аудит хизматини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш // *Архив научных исследований*. – 2022. – Т. 2. – №. 1.